

Асосий ва доимий ўзгаришлар талокда бўлиб, унинг ҳажми катталашган, юзасида нуқтали ва доғсимон қон қуйилишлар қайд этилиб, асосий ўзгаришлар ошқозон-ичакларда кузатилди. Яъни мускулли ва безли ошқозонда 2-3 дона 0,5 см катталиқдаги яраларнинг бўлиши аҳамиятлидир.

Ёриб кўрилганда барча товукларнинг ўпка ва ошқозон-ичакларида қон томирларнинг тўлақонлиги, сероз пардаларида нуқтали ва доғли қон қуйилишлар кенг тарқалган. Ўпканинг ҳажми катталашган, оч қизил рангда, юзасида нуқтали қон қуйилишлар, жигар анча катталашиб, юзасида нуқтали ва доғли қон қуйилишлар, гиперимия ҳолатлари ва буйракларда геморрагик жараёнлар кузатилди.

Мускулли ошқозон шиллиқ пардаларида шилимшиқ аралаш қорамтир модда йиғилган, майда нуқтали қон қуйилишлар, эрозия ва яралар мавжудлиги билан ифодаланади. Талок ҳажми бироз катталашган, юзасида майда қон қуйилишлар бўлиб, кесганда пульпаси тўқ қизил рангда кўринади.

Ичакларнинг шиллиқ пардаларида катарал-геморрагик яллиғланиш, доғли қон қуйилишлар, айниқса ичакларда 1-2 см катталиқдаги бир неча яралар борлиги аниқланади.

Шундай қилиб, паррандаларда учрайдиган клиник белгилари ва патологоанатомик ўзгаришлар жуда мураккаб, бошқа касалликлардан тубдан фарқ қилади. Аммо яхши эътибор билан таҳлил этилса, вақтида тўғри диагноз қўйилиб, касалликларга қарши ўз вақтида олдини олиш чора-тадбирларини кўриш имконияти яратилади.

**Хулосалар.** Республиканинг жанубий худуди Қашқадарё вилояти паррандачилик хўжаликларида текширилган 14 та хўжалиқдан 5 тасида паррандаларнинг юқумли лоренготрахеит касаллиги билан касалланиши аниқланди. юқумли лоренготрахеит касаллигининг ўртача 12,9 % ни, умумий касал ҳайвонлар сонидан ўлим даражаси эса ўртача 8,1 % ни ташкил этиши аниқланди. Товукларнинг ўпка тўқималарида, нафас олиш йўлларида яллиғланиши, ошқозон-ичакларидаги чуқур ва мураккаб патоморфологик ўзгаришлар катта ёшдаги товукларда ҳам кичик ёшдаги товукларга нисбатан бироз фарқ қилмасда, аммо касалликнинг вирулентлигига ва касалликнинг оқимига боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ниязов Ф.А., Ахмедов Б.Н. Ашуров С.А., Действие иммуностимулятора кавилонна на цыплят. // Ветеринария. - М. 2001.-№9. - С.22-23.
2. Ахмедов Б.Н. Жува ўстиришнинг асосий омиллари.// Қашқадарё фермери газетаси. 27 - феврал.- 2009.
3. С.Мавлонов., Б.Н.Ахмедов. Қоракўлчиликда юкори самарадорликка эришмоқчимиз. // Қашқадарё газетаси. 8 - янв. -2010.
4. Б.Н. Ахмедов. Наслли ва соғлом жўжалар олишга эришиш нималарга боғлиқ. // Қашқадарё газетаси. 6 - апр. -2010.
5. Б.Н. Ахмедов. Ларинготрахеит қандай каслик.// Қашқадарё газетаси. 8- окт. -2010.

**УДК: 619:616.981.45.571.1**

**ШЕРАЛИЕВА И.Д., НАВРУЗОВ Н.И.**

Ветеринария илмий тадқиқот институти

### **БУЗОҚЛАР ДИПЛОКОККОЗИНИНГ КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ, ПАТОЛОГОАНАТОМИК ЎЗГАРИШЛАРИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ**

**Аннотация:** *Чорвачилик хўжаликларида бузоқлар ва қўзилар орасида кўп учрайдиган диплококкоз касаллигига таъхис қўйиши, аниқлаш, клиник белгилари, патологоанатомияси, даволаш ва олдини олиш борасида маълумотлар келтирилган. Бу эса хўжалик мутахассисларига касалликни аниқлашда ва доволашда қўлай имконият яратади.*

**Калит сўзлар:** Эпизоотология, ветеринария, микробиология, патанатомия, клиник белгилар, диплококкоз.

**Қириш.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 24 мартдаги 9 сонли “Чорвачиликни хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғриси”даги қарори ҳамда ушбу қарорни бажариш юзасидан қишлоқ хўжалик вазирининг 1996 йил 6 апрелдаги 86 сонли буйруғи Республикамиз Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш рағбатлантириш чора-тадбирларитўғрисида”ги фармони

Республикамизда чорвачиликни хусусий мулкчилик асосида жадал ривожлантириш ва рентабелли соҳалардан бирига айлантиришга қаратилган. Шунингдек 2008 йил 21 апрелда ПК-842 қароридан келиб чиқиб ҳам биз ветеринария мутахасислари учун муҳим аҳамият касб этади.

Мухтарам Президентимизнинг қароридан келиб чиқиб ҳозирги кунда асосий муаммо бўладиган касалликларни бартараф этиш, ҳайвонлар бош сонини кўпайтириш, асосий муаммога эга бўлган касалликларни олдини олиш даволаш чора тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантиришга салмоқли хисса қўшиш ва уни етарли даражада маҳаллий ресурслардан кенг доирада фойдаланиш мумкин бўлган ветеринария дори-дармонлари билан таминлаш, бугунги кунда ветеринария фаолиятининг муҳим вазифаларидан биридир. Маълумки ҳайвонларнинг юқумли касалликлари чорвачилик учун энг катта хавф бўлиб ҳисобланади ва соҳанинг ривожланиши юқори рентабелликка эришишга тўсқинлик қилади. Чунки, ҳайвонлар орасида юқумли бактериал касалликларда касалланиш ва ўлиш даражаси юқори, касалликлар жуда оз вақтда кенг ҳудудга тарқалади, олдини олиш ва даволаш каби тадбирларга кўплаб маблағ сарфланади. Шунинг учун чорвачилик хўжаликларидида бактериал юқумли касалликларнинг эпизоотологиясини ўрганиш, олдини олиш ва даволаш воситаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижалари:** Диплококкоз - қишлоқ хўжалик ва ёввойи ҳайвонларнинг юқумли бактериал касаллигидир (кўзгатувчиси *Streptococcus pneumoniae* (*Diplococcus lanceolatus*)). Касаллик йилнинг айниқса қиш ва баҳор ойларида кўпроқ учрайди, ўпканинг яллиғланиши сепсис, артрит, ичакнинг яллиғланиши, лимфа тизимининг жароҳатланиши билан кечади. Ёш ҳайвонларда ўта ўткир, ўткир ва ярим ўткир шаклларда кечиб уларнинг ўлимига сабабчи бўлади. Катта ёшли ҳайвонларда асосан сурункали, баъзан, ўткир шаклларда кечиб эндомиетрит, аборт, артрит, мастит касалликларининг ривожланишига сабабчи бўлади. (Чепуров К.П., 1963; Махматкулов М.А., Ибадуллаев Ф.И., Элмуродов Б.А.)

Диплококкоз касаллиги билан бир қанча олимлар томонидан ўрганилган: И.И.Архангельский Қозоғистонда, Э.Г.Мамацев Москвада ва К.П.Чепуров Узоқ Шарқда ҳар бири мустақил ҳолда касалликка қарши махсус биопрепаратлар яратишган.

Диплококкоз касаллиги қишлоқ хўжалиги ва ёввойи ҳайвонларнинг юқумли касаллиги бўлиб, И.И. Архангельский икки серотип диплококкоз штаммидан суяқ формол вакцина тайёрлаган. Вакцинанинг тажриба серияси оқ сичқонларда қуёнларда ва бузоқларда синаб кўрган ва ижобий натижаларга эришган. Э.Г. Мамацев ўзининг тадқиқотларида диплококкозга қарши формол вакцинанинг оқ сичқонлар ва қуёнларга эмлаб сўнгра патоген диплококкларни юқтириб иммуногенлик хусусиятларини ўрганган ва ижобий натижа олган. Аммо катта ёшдаги ҳайвонларда ушбу вакцинани синаб кўришмаган.

**Клиник белгилари.** Касаллик 1-2 кун, баъзан 1 ҳафта давом этади. Янги туғилган бузоқ, қўзи ва чўчка болаларининг киндик атрофида кучли оғриқ сезилади, қизариб шишган бўлади, пайпаслаганда у ердан суяқ қўланса хидли, йирингли экссудат ажралади. Ўз вақтида даволанмаса қонга сўрилиб, организмга тарқалади ва септицемия ривожланади, ички аъзоларда ҳамда бўғинларда йирингли ўчоқлар пайдо бўлади. Касал ҳайвон холсизланади, озиқадан бош тортади, бурундан кўпикли ва қонли суяқлик оқиши, баъзиларининг орқа оёқлари фалажланади, бўғинлар шишади, тана ҳарорати ўлчаб кўрилганда 41,0-42,0<sup>0</sup> Скўтарилиб, нафас олиш қийинлашади ва юрак уриши тезлашади.

Катта совлиқларда эса касаллик сурункали кечиб бола ташлаш, артрит, мастит ҳолатлари кўзатилади, уларнинг ҳам тана ҳарорати кўтарилади, нафас олиш ва юрак уриши тезлашади.

Диплококкоз билан кўпинча 1-3 ҳафтали бузоқлар, қўзилар ва чўчка болалари касалланади ва ўткир сепсис белгилари билан кечади.

**Патанатомик ўзгаришлари.** Ўлган ҳайвонни ёриб кўрганда ингичка ичак, баъзан ширдоннинг шилимшиқ пардасида, қорин пардасида, эпикард ва эндокард остида нуқтали майда доғли қон қуйилишлар кўринади. Шунингдек бурун, томоқ, кекирданинг шиллиқ пардаларида ўткир гипермия, ўпкада гипермия ва шиш кўринади. Касалликнинг ўпка шаклида крупоз яллиғланиш, тери ости тўқимасида геморрагик экссудатларнинг тўпланиши, лимфа тугунларининг гиперплазияси, ички аъзоларга қон қуйилишлар, ўпка шиши, эпикард ва

эндокард остига нуқтали қон қўйилиши, жигарнинг катталашуви ва қонга тулишганлиги, талокнинг катталашуви ва резинасимон консистенцияда бўлиши кузатилади. Инфекция кўпинча ошқозон-ичакларни шикастлантириган пайтларда қорин бўшлиғида кўп миқдорда геморрагик экссудат тўпланади, талоқ кескин катталашади (2-3 баробар), резинасимон консистенцияда бўлади, четлари қалинлашади ва капсуласи остида нуқтали ҳамда чизиқли қон қуйилишлар кўринади. Жигар бўккан, қонга тўлган, буйракларнинг капсуласи остида анчагина нуқтали майда қон қуйилишлар мавжуд. Ширдон ва ингичка ичакнинг шиллиқ пардалари кучли гиперемиялашган, кўп нуқтали ва майда доғли қон қуйилашлар кўринади, ичак ичидаги нарса суюқ, баъзан қизил рангда (қон қўшилган). Намуналар лаборатория текширувлари натижасида диплококк кўзгатувчиси ажратилади.

**Материаллар ва методлар:** Юкорида такидланган муаммолардан келиб чикиб, Ветеринария илмий-тадқиқот институти Ёш моллар касалликларини ўрганиш лабораториясида кўзилар пастереллэз ва диплококкоз касалликларининг олдини олиш мақсадида маҳаллий диплококк ва пастерелла штамлари культураларидан фойдаланиб, "Пастереллэз ва диплококкоз касалликларига қарши поливалент экспериментал ГОА формол вакцина" ишлаб чиқилди. Тайёрланган вакцинанинг сифат кўрсаткичлари лаборатория шароитида текширилди.

Стериллигини аниқлаш учун вакцина намунаси ГПБ, ГПА, 5% ли қон зардоби ГПБ, 5% ли қон зардоби ГПА, Сусло агари, Китт-Тароцци озуқа муҳитларига экилади. Экилган озуқа муҳитлари +37°C ва +38°C да термостатда 10 кун давомида сақланди. Вакцина намуналари экилган озуқа муҳитлари стерил эканлиги қайд қилинди.

**Даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари:** Бузоқ ва кўзиларнинг диплококкоз касалликларини олиш мақсадида хўжалик мутахассисларига касалликларни даволаш ва олдини олиш бўйича тавсиялар;

-Диплококкоз билан касаллаган бўзоқларга диплококкозга қарши гипериммун қон зардоби даволаш дозасида (1,5, 2 мл кг) юборилади ҳамда қўйидаги антибиотиклардан бири қўлланилади: Драксин, энрофлоксин, биомицин, стрептомицин, прологирланган антибиотиклар (левотетросульфидин, дибиомицин, дистрепомидазол, бициллин -3, нитокс ва б). Бундан ташқари сульфаниламидлар ва глюкоза, кофеин каби сиптоматик воситалардан ҳам фойдаланиш тавсия қилинади.

-Гипериммун қон зардоби қўллангандан 4 - 5 кун ўтгач, эмлаш ёшига етган барча хайвонлар диплококкозга қарши эмлаш мақсадга мувофиқдир.

-Қўй, кўзиларда диплококкоз касаллигини олдини олиш учун Ветеринария илмий тадқиқот институтида яратилган янги ГОА формол вакцинани қоракулчилик ва чорва хўжаликлари, фермерлар ва аҳоли қўй, бузоқ, кўзиларда кенг қўламда фойдаланиш тавсия этилади.

**Хулоса:** Бузоқ, қўй, кўзиларнинг диплококкоз касалликларига қарши вакцина ва гипериммун қон зардоблари ишлаб чиқарилмоқда аммо уларни келтириш катта иқтисодий қийинчиликларни туғдирмоқда.

Хозирги кунда бизнинг тадқиқотларимиз натижасида ветеринария илмий тадқиқот институти ёш моллар касалликларини ўрганиш лабораториясида бузоқ, қўй, кўзилар пастереллэз ва диплококкоз касалликларини олдини олиш мақсадида маҳаллий культуралардан фойдаланиб, лабораторияда "Пастереллэз ва диплококкоз касалликларига қарши ассоциацияланган экспериментал ГОА формол вакцина" ишлаб чиқилди. Шу касалликни ўз вақтида вакцина билан эмланса, касалликнинг олди олинади ва хўжалик эса яхши самарадорликка эришади. Шунинг учун ҳам касалликни даволагандан кўра олдини олган макул.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Чепуров К.П. «Диплококковые и стрептококковые заболевания животных» Киев-1963.-160 с
2. Конопаткин А.А. Эпизоотология и инфекционных болезни сельскохозяйственных животных М 1984.
3. Сытдиқов А.К., Бурлуцкий И.Д., Болезни молодняка справочник Ташкент М 1990.с 139.
4. Махматкулов М.А., Ибодуллаев Ф.И., Элмуродов Б.А., «Қўйлар экспериментал диплококкозида кузатилган патоморфологик ўзгаришлар. //Конф маъруз.матнининг тўплами. Самарканд 2001 97-98 бет.

5. Ибадуллаев Ф.И. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг патологик анатомияси. Дарслик, "Ўзбекистон", Тошкент 2000 йил

6. Элмуродов Б.А., Абдалимов С.Х., «Диплококкоз» журнал «Зооветеринария» Тошкент-2008 №3 16-17 бет.

7. Абдалимов С.Х., Элмуродов Б.А. // Диплококкоз // журнал «Зооветеринария» нишона сони 2007. 18 - бет.

8. Чепуров П. «Диплококковые заболевания сельскохозяйственных животных» Благовещенск, 1954.

9. Элмуродов Б.А., Абдалимов С.Х. «Қўй ва қўзилар диплококкози». //Конф маъруз.матнининг тўплами. Самарканд 200625-26 бет.

**УДК: 636.5: 637.**

**ҲАМРОҚУЛОВ Н.Ш., ЭЛМУРОДОВ Б.А., ЭШБУРИЕВ С.Б.**

Ветеринария илмий-тадқиқот институти

### **ТУХУМ ЙЎНАЛИШИДАГИ ТОВУҚЛАРДА КАЛЬЦИЙ-ФОСФОР АЛМАШИНУВИ БУЗИЛИШЛАРИДА ПАТОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ**

Аннотация: Паррандачилик фермер хўжаликларида кальций-фосфор алмашинуви бузилишининг товуклар организмни кальций-фосфорга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондирмаслиги, рациондаги фосфор-кальций нисбатларининг номутаносиблиги товукларда турли минераллар етишмовчиликларига сабаб бўлиб, бу тухум маҳсулотининг камайишга ва катта иқтисодий зарарга олиб келади.

**Калит сўзлар:** парранда, товук, тухум, аномалия, кальций, фосфор, минерал, рацион, тухум йўли.

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикада паррандачилик соҳасини ривожлантириш, фермер, деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларида паррандалар бош сонини кўпайтириш ва парранда маҳсулотлари кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган одилона сиёсат, паррандалар сотиб олиш учун микрокредитлар ажратилиши, ёрдамчи паррандачилик хўжалиklarини ташкил қилиш, омихта ем билан таъминлаш каби тадбирлар орқали амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда дунёда паррандачилик жадал ривожланиб бораётган соҳалардан бири ҳисобланади. Паррандачилик чорвачиликнинг муҳим тармоғи бўлиб, зотдорпаррандалар бройлер жужаларни олиш, парранда гўшти, ундан тайёрланадиган парҳез гўшт маҳсулотлари, тухум, пат ва пар ишлаб чиқариш имкониятини беради. Шу сабабли паррандачилик хўжаликлари сонини кўпайтириш, улардан рационал фойдаланиш, товукларнинг тухум маҳсулдорлигини ошириш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Паррандалар юкумсиз касалликларининг этиологиясида асосий ўринни модда алмашинуви бузилиши касалликлари ташкил қилиб, уларнинг нобуд бўлишида 25% дан ортиқ гепатоз касаллиги, 17% авитаминозлар ва гиповитаминозлар, 23% ҳазм тизими касалликлари ва 10% рахит касаллиги ташкил этган. Дунёнинг кўпчилики давлатларида тухум йўналишидаги товуклар орасида моддалар алмашинуви бузилиши касалликлари, аксарият ҳолларда яширин ҳолда сурункали кечади. Мазкур муаммонинг самарали ечимини ишлаб чиқиш аҳолининг тухум ва парҳез парранда гўштига бўлган талабини қондириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Паррандалар организмда бир вақтнинг ўзида бир неча минерал моддаларнинг етишмовчиликлари аралаш патология ҳолида, ноаниқ белгилар билан кечади. Шунинг учун модда алмашинуви бузулиши билан кечадиган касалликларга ташхис қўйишда клиник текширишлар ва озуқа рационларини зоотехникавий таҳлил қилиш билан бир қаторда қон, суяк ва тухум пўчоғи ва тухум сариғида биокимёвий, патологоанатомик, органолептик ҳамда тухумни физикавий текширишлардан ўтказилиши талаб этилади [3,5].

**Материаллар ва усуллар.** Тухум йўналишидаги товукларда кальций-фосфор алмашинуви бузилишларини ўрганиш мақсадида Ломан ЛСЛ классик кросси зотли товукларда клиник ва органолептик текширишлар олиб борилди. Текширишлар учун тухум берадиган товуклардан 15 бошдан учта гуруҳда жами 45 бош эталон гуруҳ ажратиб; биринчи гуруҳдаги товуклар 28 ҳафталик тухум бериб бошлаган, иккинчи гуруҳда 72-74 ҳафталик тухум беришнинг энг юқори даври, учинчи гуруҳга тухум 72-74 ҳафталик тулаш давридаги товуклар